


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ

АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

Гувоҳнома № 0680-16.02.2018.
ISSN № 2181-9017

М У Н Д А Р И Ж А

МАНБАШУНОСЛИК

1. **Абдухалимов Б.** Формуляры записей о купле и продаже усадьбы из сборника (*мажма‘*) Абу Хафса ан-Насафи 3
2. **Муратов А.** Умар Насафийнинг “ат-Тайсир фи-т-тафсир” асарига асос бўлган манбалар 14
3. **Улашова С.** Хоразмшоҳлар даври манбаларида Мовароуннаҳрдаги этник ҳолатга доир 22
4. **Замонов А.** Бухоро шайбонийлари ҳарбий тизими манбашунослигига доир баъзи мулоҳазалар 36
5. **Ғуломов С.** Ҳишмат ижоди спектри ва янги топилган “*Зиж*” хусусида 49

ТАРИХ ВА ТАРИХШУНОСЛИК

1. **Давлатова С.** Ҳунармандчиликда рамзлар: семантик-семиотик таҳлил *(Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудлари мисолида)* 62
2. **Ҳошимов Б.** Фарғона водийсидаги археологик тадқиқотлар тарихидан (1884–1964) 77
3. **Шамсиев М.** XIX аср биринчи ярмида Қўқон хонлиги ташқи савдо алоқаларида тошкентлик савдогарларнинг роли..... 92

ДИПЛОМАТИКА

1. **Таниева Г.** Эрназар Мақсуд ўғлининг ҳаж йўллари масаласига доир элчилик фаолияти (Россия империяси Ташқи сиёсат архиви ҳужжатлари асосида) 101

ИСЛОМШУНОСЛИК

1. **Махсудов Д.** XIII асрда мусулмон дунёсида тафсир илми ривожи ва муфассир олимлар фаолияти 111

ФАН ВА МАДАНИЯТ ТАРИХИ

1. **Исҳоқов М.** Қадимги Хоразм ёзуви ва ёзув маданияти ҳақида 124

ТИЛ ВА АДАБИЁТ

1. **Умарова И.** Айюбнинг “Шарҳи Маснавийи Мавлавий” асарида келтирилган Жалолиддин Румий ҳаётига оид маълумотлар 140
2. **Худжанова Д.** Замахшарийнинг “ал-Қистос ал-мустақим фи илм ал-аруз” асарида аруз рукнларининг илмий-назарий талқини 154
3. **Шарахметова М.** “Бобурнома”нинг урдуча таржималарида Ҳиндистон таърифи 165
4. **Мадиримова С.** Мутриб Хонахароб ғазаллари 176
5. **Тўхтамуратов Ф.** Муҳсиний девони қўлёзма манбалари ва шеърларининг матн хусусиятлари 191
6. **Абдулаҳатов Н.** “Марсия” адабий-тарихий манбаларига оид айрим мулоҳазалар *(XIX–XX аср бошларида Марғилон маданий муҳити манбалари асосида)*..... 201

ИЛМИЙ АХБОРОТ

Эшонова С., Қўлдошев Ш. Поп тумани Ғурумсарой қишлоғидаги қабртош хусусида 210

ЎзР ФА
Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Илмий кенгашининг 2020 йил 4 мартдаги 3-сонли мажлиси қарорига кўра нашрга тавсия қилинди.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Баҳром Абдуҳалимов
(Бош муҳаррир)
Сурайё Каримова
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Салимахон Эшонова
(Масъул котиб)
Наталья Каримова
(Рус тили муҳаррири)
Азиза Шаназарова
(Инглиз тили муҳаррири)

Аҳмедов Ашраф
Бобожонов Бахтиёр
Баҳодиров Роиқ
Бўриев Омонулло
Дагели Жанин
Жуманазаров Абдусаттор
Исломов Зоҳиджон
Қориев Одил
Мўминов Аширбек
Раҳимжонов Дурбек
Султонов Ўктам
Ходжаев Аҳад
Юсупова Дилором
Ғуломов Санжар
Ҳабибуллаев Акрам
Ҳасанов Маҳмуд

Манзилимиз:
100170. Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўчаси, 79
Мурожаат учун:
Телефон*: (8 371) 262-54-61,*
Факс*: (8371) 262-52-77*
E-mail: beruni1@uznet.uz

kept in the manuscript fund of Abu Rayhan Beruni Institute of Oriental Studies of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan and in Ichan Qal'a Museum of Khiva. Among those one finds the literary heritage of the bilingual poet of Khiva, Mutrib Khanakharab son of Muhammad Hasan divan Hajji Tabib (1853–1923). His poetry were included in the collections of divans and bayaz under the inventory numbers of 2679/II, 903/V, 906/VII.

It is known that some bayaz collections contain Mutrib's verses not included in his own divan. One of such bayaz collections was copied by Mulla Muhammad Yusuf Chikar bin Muhammad Yusuf divan Kharrot according to the order of Feruz. In addition to Mutrib's verses, this collection includes ghazals ascribed to other 21 poets. This source is kept today in the main collection of Abu Rayhan Beruni Institute of Oriental Studies under the inventory number 1184.

The article provides a textual analysis of the literary heritage of Mutrib Khanakharab based on the divan and bayaz collections located in the manuscript collection of Abu Rayhan Beruni Institute of Oriental Studies.

***Keywords**: bayaz, manuscript, ghazal, colophon, verse, meter, line, rhythm, Mutrib Khanakharab.*

Ф. Тухтамуратов

Муҳсиний девони қўлёзмалари ва шеърларининг матн хусусиятлари

XIX аср охири – XX аср бошлари Қўқон адабий муҳити ривожига Муқимий (1850–1903), Фурқат (1859–1909), Завқий (1853–1921), Муҳаййир (1842–1918), Ҳазиний (1867–1923) сингари ижодкорлар қатори Ҳусайнқули Сулаймонқули ўғли Муҳсиний (1860–1917) ҳам катта ҳисса қўшган шу даврда ижод қилган забардаст шоирлардандир.

Муҳсиний дастхат девонларининг бир нусхаси Ўзбекистон ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида 7392 ашё рақам остида, Ғафур Ғулом номидаги Фарғона вилоят Адабиёт музейи қўлёзма асарлар фонди инв. № 4303 ашё рақами билан сақланади. "Шунингдек, иккита қўлёзма девони ҳозирги кунда Муҳсинийнинг Қўқон шаҳрида яшаётган невараси Тўхтасинжон Нуриддиновнинг шахсий кутубхонасида сақланмоқда" [4: 8].

Ушбу мўжаз мақоламизда ЎзРФА Шарқшунослик институти фондида 7392 ашё рақам билан сақланаётган Муҳсинийнинг дастхат девони

кодикологияси ва матн хусусиятларининг ўзига хос жиҳатларини тадқиқ этамиз.

Қўлёзма сариқ, рус фабрика қоғозда насталиқ хати билан қора сиёҳда битилган. Матн қизил, кўк ва зарҳал рангли жадвалга олинган. Сарлавҳалар қизил сиёҳда ажратилган.

Шеърларни саҳифаларга жойлаштиришда ҳам ўзига хос шаклдан фойдаланилган. Масалан, ғазаллар тўғри чизиқ бўйлаб ҳар бир саҳифага 15 қатордан, бошқа жанрдаги шеърлар қия шаклда 10 қатордан битилган. Девон котиб томонидан рақамланмаган, шарқона изчил қўйилган пойгирлар билан таъминланган. Саҳифаларга 2-саҳифадан бошлаб институт ходимлари томонидан қора қалам билан рақам қўйилган. Дастхат девоннинг 9 варағи рақамланмаган. 73*а*–74*б*, 75*б*, 109*а* саҳифаларда жадвал чизилган бўлса-да, шеърлар битилмаган. Қўлёзмадаги айрим варақларнинг четки қисмларида сўзлар, байтлар таҳрир қилинган. Девон муқоваси тўқ қизил рангда, устки қисми яшил сариқ нақшлар билан безатилган. Ушбу девон Муҳсинийнинг фанга маълум тўртта қўлёзма девонлари орасида энг мукаммали бўлиб, шоир умрининг охирида 1335/1916–1917 йилда тартиб берган, 168 саҳифадан иборат. Қўлёзма ўлчами 21,5х14 см [1: 458].

Девонда шоирнинг ўзбек ва форс тилларида битилган жами 7426 мисра шеъри жамланган. У анъанага мувофиқ наср ва назмда дебоча билан бошланган [1: в. 1*б*–7*б*]. Девоннинг 9*б*–89*б* саҳифаларидан алифбо тартибидаги ғазаллар (239 та шундан 28 таси форсий) ўрин олган бўлиб, улар орасида Абдулқодир исмига ёзилган мувашшаҳ (вв. 14*а-15б*) ҳам мавжуд. Ғазаллар алоҳида колофон билан якунланган. 90*б*-168*а* саҳифаларда шоирнинг турли жанрларда ёзган шеърлари келтирилган. Улар қуйидаги таснифга эга: мухаммас (23 та шундан 3 таси форсий; вв. 90а–98б, 99б–100а,103а–104б, 110а–111б), Зорий (вв. 98б–99а), Муҳйи (вв. 104б–105б, 107б–108а), Фурқат (вв. 106б–107б), Мавлоно Муъин (вв. 108а–110а), Орзу (вв. 155а–156б), Тавалло Тошқандий (вв. 157а–158б), Фузулий (вв. 158б–159а), Шўро Хўқандий (159б–160а) ғазаларига боғланган тахмис (8 та), Исҳоқхон (вв. 100б–101а), Солиҳжон (вв. 101б–102а), Шодмон (вв. 102а–103а), Ортукхон (вв. 105б–106б) исмларига мухаммас жанрида ёзилган мувашшаҳлар, мусаддас (2та; вв. 115а–118б, 120а–121а), мусамман (2та; вв. 111б–114б, 118б–120а), таржеъбанд (2та; вв. 121б–128б), нома (7та шундан 1таси форсий; вв 125*а*-134*б*), қасида (8та шундан 5таси форсий; вв. 135а–140а), таърих – (29та шундан 12 таси форсий; вв. 140б–154б), рубоий (28 та; 164б–168а) [1: 458].

Муҳсиний девонида жамланган шеърларда ишқий, ахлоқий-маърифий, ижтимоий ва диний каби мавзулар ифодаланган.

Шоир ҳақидаги илк маълумотлар адабиётшунос олим Пўлатжон Қаюмовнинг (1885–1964) “Тазкираи Қайюмий” асарида эътироф этилган: “Бошқа ибтидоий таҳсилни маҳалла масжидида олиб айрим хаттотда ҳусни хат таълим олмишдур. Хушфеъл, серзавқ, очиқ чеҳрали, меҳмоннавоз, нотиқ мусиқийшунос, хати насталиқ ва шикаста, бедилнавис ва Бедилхон, фозил шоир эди” [7: 381].


Абдулқодир Муродовнинг “Ўрта Осиё хаттотлик санъати тарихидан” китобида Фарғона хаттотлари қатори Муҳсиний ҳақида қуйидагича мулоҳаза билдирилган: “Ҳусайн Ҳожи Сулаймонқул ўғли Муқимий замондошларидан бўлиб, Марғилон даҳасидаги Мирзаёдгор маҳалласида туғилган. Бошланғич таълимни шу маҳаллада олиб, кейин Султонмурод мадрасасида ўқиган. Араб, форс ва ўзбек адабиётидан хабардор, истеъдодли шоир, турли хатларга моҳир хаттот киши эди. “Девони Муҳсиний” номли ўзбекча девони бор. Девонни настаълиқ хатида 1916 йилда ўзи кўчирган. Кўчирган бошқа қўлёзмалари ҳам бор” [3: 134].

Қўқонлик адабиётшунос олим Усмонжон Неъматов Муҳсиний девонидаги аксар шеърларни 2008 йилда “Барҳаёт гулшан” номи билан нашр эттирган. У юқорида салафлари томонидан Муҳсинийга берилган таърифни нашр сўзбошисида қуйидаги тарзда талқин этади: “Муҳсиний қўқонлик Муқимий ва Фурқат каби шоирлар даврасида етишган серқирра ижод соҳибидир. Ўз замондошлари орасида у шоир, хаттот, таржимон сифатида танилган” [4: 7].

Шоирнинг 7392 ашё рақамли девонида мумтоз адабиётимизда фаол қўлланилган жанрлардаги шеърлари жамланган. Мазкур девондаги 8 та ғазалнинг айрим байтларида шоирнинг ўзига хос ёндашуви кузатилади. Бу ўзига хослик баъзи сўзларнинг қўлланиш шакли билан боғлиқ. Маълумки, ошиқ, маъшуқа, рақиб образлари мумтоз шеъриятнинг асосини ташкил этади. Муҳсиний *рақиб, ағёр* образлари моҳиятини зоҳирий кўринишда, яъни сўз шаклини тескари ёзиш орқали янада таъсирчан талқин этишга интилган. Бу ўринда “ёвнинг юзи тескари бўлсин” қабилидаги халқона нақл мазмунига риоя этилишидан ташқари, бадиий шакл ва мазмун уйғунлигига алоҳида эътибор қаратилгани эътиборга молик. Ушбу ғазаллардан олтитаси Муҳсиний девонининг жорий имлодаги нашрига кирмаган ва ҳанузгача илм аҳлига маълум эмас.

Шоир девони қўлёзмасининг 33*б* саҳифасида олти байтли ишқ-муҳаббат мавзусида ёзилган *“Эй, қоракўз”* радифли ғазал бор. Мазкур ғазал ижодкорнинг 2008 йили нашр этилган «Барҳаёт гулшан» номли девонига киритилмаган. Шоир ушбу ғазалда теран поэтик фикрни оҳангдош сўзларни ўз ўрнида қўллаб ифодалаган. Ғазалда қофия ва радиф бўлиб келган сўзлар шакл ҳамда мазмун жиҳатидан мутаносибликни ҳосил қилган. Сўз шаклини

тескари кўринишда ёзиш билан унинг салбий маъносини янада кучлироқ ифодалашга эришган. Ғазалнинг учинчи байтида маъшуқага даъвогар бўлган *ағёр* образини ноанъанавий шаклда битган.



Бизга юз нозу тағофул ситаму жавру жафо,
Қилар ағёрим ила завқу сафо, эй қора кўз [5: 33*б*].


Ишқий мавзуда ёзилган ушбу ғазалда қўлланган *ағёр* сўзини котиб тескари шаклда битиш орқали рақибга бўлган салбий муносабатини шаклда ҳам ифодалаган. Шоир талқинича, *ағёр* образи замирида тўғрилик сифати йўқлиги учун ушбу сўз тескари ёзилиши керак, деган тушунча ҳам англашилади. Байт мазмунича, ошиқ маъшуқага қуйидагича мурожаат қиляпти: *Сен юз нозу ишва қилсанг-да, мени тезда унутиб, ўзингни билмаганга оласан, жавру-жафо ва ситам қиласан. Бу ситам қоракўз ёрнинг рақиб – ағёр билан бирга завқу сафо қилишида кўринади.*

Мазкур қўлёзманинг 33*б* бетидаги яна бир 7 байтли ғазалнинг 2-байтида ҳам рақиб сўзи терс кўринишда ёзилган. Байтда лирик қаҳрамон бир вақтлар рақиблар сўзига кириб дўст-ёрдан бегона бўлган, аммо кейин у хатосини англаб, тўғри йўл топгани учун дўстини “хуш келдингиз” дея қаршиламоқда. Бу ҳол *рақиб, ағёр* сўзлари Муҳсинийнинг фақат ишқий ғазалларидагина эмас, ахлоқий-фалсафий мазмунни ифодалаган шеърларида ҳам зид кўринишда ёзилиб, фикрнинг таъсирчанлигини оширишга хизмат қилганидан дарак беради. Юқорида изоҳланган байт:



Муддате бегона эрдингиз рақиблар сўзи-ла,
Бўлдингизму эмди ёру ошно, хуш келдингиз [5: 33*б*].


Қўлёзма девоннинг 41*а* бетида 9 байтли ғазал мақтаъсидаги *рақиб* сўзи ҳам айни тарзда тескари ёзилган:



Ҳамиша топса висолин рақибу бегона,
Бу Муҳсиний они ҳажриға ошно махсус [5: 41*а*].

Ошиқ ва маъшуқа муносабатларини бузиш, уларнинг висолга етишига тўсқинлик қилиш – рақиб образининг характерли хусусияти. Шу маънода, қачонки рақиб ёр висолига эришиш йўлини топса, ошиқ ҳижрон азобини тортишга маҳкум. Шоирнинг маҳорати шундаки, бу ҳолатни у шеър мазмуни орқалигина ифода этмай, ёзув шаклида ҳам тасвирлай олган.

Худди шунга ўхшаш шакл қўлёзманинг 44*а* бетидаги ғазалда ҳам учрайди. Мисрада ёр васлига етишиш йўлида азоб чекаётган ошиқнинг дил изҳори баён этилган. Маъшуқа ошиққа эмас, унинг рақибига ноз-карашма қилмоқдаки, бу ҳол ошиқ дилига озор бераётир:



Рақибларға қилур ноз ила карашмаларин,
Биза қоланда жафо бирла мухталиф авзоъ [5: 44*а*].

Қўлёзманинг 49*а* бетида 11 байтли ғазал бўлиб, девоннинг нашр вариантида мавжуд. Мазкур ғазалнинг 3-байтида ҳам *“рақиб”* сўзи тескари кўринишда ёзилган. Ошиқ руҳий ҳолатини тасвирлар экан, шоир унинг севгисига тўсқинлик қилаётган рақиб образига муросасиз муносабатини сўзнинг ёзилиш шаклида ҳам ёрқин тасвирлайди. Ишқий мавзуда ёзилган мазкур ғазал матлаъси қуйидагича:


Эй парирў, мунча ҳам ошиқни кўп хор айламоқ,
Меҳнати ҳижрон ила жониға озор айламоқ [5: 49*а*].

Лирик қаҳрамон пари юзли маъшуқасига мурожаат қилиб, ошиғини бунчалик хор айламаслигини, ҳижрон азоби билан жонига озор етказмаслигини сўрайди. Иккинчи байтда ёрнинг ташқи кўриниши қанчалик гўзал бўлмасин, эътиборсиз экани боис ошиққа азоб бериши тасвири берилади:

Чок-чок эрди кўнгуллар тийри мижгонинг ила,
Ёна фурқат ўтидин сийнамни афгор айламоқ [5: 49*а*].

Ушбу байтнинг дастлабки сатрларида ошиқнинг ҳижрон азобига йўлиқиши сабаби баён этилади. Ёр қиё боққани сабабли ошиқ қалби севгидан сармаст ҳолатда. Гўёки севгилисининг кўзи – камон, киприклари – камон ўқи, кўзни очиб қараши камондан отилган ўқдек ошиқ кўнглини ишқ билан пора-пора қилган. Айрилиқ олови ошиқ қалбини ёндириб, унинг аҳволини афгор қилган. Учинчи байтда кўнгли синиқ, шикаста ошиқ қалби

билан бирга тасвирга бутун ҳаётини қора қилган рақиб образи келиб қўшилади ва бу сўз тескари шаклда битилади:




Ёнадур шамъи жамолингким рақиблар базмида,
Тийра айлаб рўзгоримни шаби тор айламоқ [5: 49*а*].

Шам одатда қоронғи уйни ёритади, хонани нурафшон этади. Маъшуқа жамоли шунчалик чиройлики, шамдек нур сочиб *рақиблар* базмини ёруғ қиляпти. Аммо маҳбубасининг бу қилаётган иши туфайли ошиқнинг ҳоли ёмонлашиб, кундузи ҳам зимистон тунга айланган. Яъни ҳаёти мазмуни йўқолиб, ғам-алам туфайли кеча ва кундузнинг аҳамияти йўқолган. Ушбу байтда *рақиб* сўзи тезкари ёзилиши, шаклий қарама-қаршиликни юзага келтириш баробарида, маъно ва мазмун жиҳатдан ошиқ ҳамда унинг рақиби ўртасидаги зиддиятни янада кучайтириб ифодалашга хизмат қилган.

Муҳсиний шеърлари орасида мазмуни ва мавзу кўламига кўра Муқимий ғазалларига ҳамоҳанг тарзда битилганлари бир қанчадир. Муқимий танланган асарлари таркибида «Айлаб келинг» радифли етти байтли ишқий ғазал матлаъси қуйидагича:

Келсангиз кулбам аро кўзни хумор айлаб келинг,
Шум рақиблар кўзидин, эй жоним, ор айлаб келинг [2: 83].

Муҳсиний асарлари жамланган қўлёзма девоннинг 51*а* бетида “Айлаб келинг” радифли тўққиз байтли ғазал шундай бошланади:




Эй парирўйим, рақиблардин ниҳон айлаб келинг,
Дийда ағёри беному нишон айлаб келинг [5: 51*а*].

Юқорида келтирилган ҳар иккала ғазал мавзуси, мазмун-моҳияти, образлар тизими ифода шаклига кўра ҳам уйғундир. Маълумки, Муқимий замонасининг илғор фикрловчи, маҳорат ва истеъдод борасида энг пешқадам шоирларидан бўлган. Замондош шоирлар унинг ижодига ҳавас билан қарашган ва ғазалларига мухаммаслар боғлаган, мазмунан ҳамоҳанг шеърлар ёзишга ҳаракат қилган. Муҳсиний ҳам Муқимийга шогирд даражасида бўлган ва ғазалларига монанд шеърлар битган. Муқимийга бағишлаб махсус «Қасидаи Муқимий» номли қасида ҳам ёзган.

“Муҳсинийнинг Муқимийга бўлган муносабати, унга чексиз садоқати эътиборга лойиқдир. Унинг Муқимийга бағишлаб ёзган қасидаси – устоз шоирга ҳурмати ва эътиқодининг ёрқин исботи. Қасида шоир Муқимийнинг ўз давридаги довруғини ва замондошлари учун нақадар буюк киши эканини кўрсатади. Бу қасида Муқимийнинг реал сиймосини, хислатлари, билими ва санъати даражасини белгилашда содиқ шогирди томонидан ёзилган ишончли манба сифатида қадрлидир. Қасиданинг Муқимий ҳаётлик даврида – 1897 йилда ёзилгани ҳам алоҳида аҳамиятга эга” [6: 93].

Юқорида келтирилган ғазал байтлари ана шу таъсир натижасида битилган. Муҳсиний ғазали мазмуни ва радифи билан Муқимий шеърига ҳамоҳанглик касб этса, байтидаги *рақиб* сўзининг тезкари шаклда ёзилиши, шаклий ўзига хосликдир. Ушбу шакл орқали шоир маъшуқанинг рақиблардан яширин, бекиниб, уларнинг кўзига кўринмаслиги билан боғлиқ истагини ифодалаган. Шоир ошиқнинг ҳижрон азобини тортишига сабаб бўлгани учун, *рақиб* сўзини терс кўринишда битади. Бу ёзув шакли ҳам хаттотнинг ўзига хос услубини билдиради.


Қўлёзманинг 81*б* бетидаги 9-байтли ишқий мавзудаги ғазалнинг иккинчи байтида ҳам рақиб сўзи тезкари шаклда битилганини кузатилади.



Йўқму ҳаргиз коми васлинг анисим ағёрсиз,
Озғурур йўлдан рақиб шум бадкоринг [5: 81*б*].

Лирик қаҳрамоннинг мақсади ёр васлига етиш, аммо ҳеч қачон ағёр ситамларига йўлиқмасдан бу висолга эришиш мумкин эмаслигини таъкидламоқда. Қиладиган иши ёмонлик бўлган рақибнинг мақсади эса маъшуқани йўлдан оздиришдир.

Юқорида келтирилган қўлёзманинг 81*а* бетида 7 байтли ишқ-муҳаббат тараннум этилган ғазалнинг 4-байтида ҳам рақиб сўзи тескари кўринишда ёзилган. Мазкур байтда ҳам ошиқ ва унинг рақиби билан боғлиқ ҳолат ифодаланган. Ошиқ маъшуқа васлига агарда рақибсиз эришишга муяссар бўлса, кўнгилда армон доғи қолмаслигини баён этади:



Хўбрў васли агар ўлса муяссар берақиб,
Қолмағай эрди кўнгилда доғ армоним.[5: 81*а*].

Девондаги ғазаллар мазмунидан англашиладики, Муҳсиний аниқ мақсадни кўзлаб *рақиб, ағёр* сўзларини тескари шаклда ёзган. Ошиқ, маъшуқа, рақиб образлари мумтоз шоирларимиз ғазалларида анъанавий учликни ташкил этиши маълум. Аммо салбий маънони англатувчи *рақиб, ағёр* образлари ошиқнинг эзгулик, севги, муҳаббат, вафо, садоқат, туйғуларини амалга оширишига тўсқинлик қилиши ҳам айни ҳақиқат. Ушбу образларни англатувчи сўзни тескари шаклда битиш, хаттот маҳоратининг ўзига хос қиррасини кўрсатиши жиҳатидан аҳамиятлидир. Шоир қайсидир маънода мазкур сўзларни тескари шаклда ёзиш асносида *рақиб, ағёрнинг* қиладиган иш тўғри эмас, шу боис бу сўз терс битилиши керак, деган фикрни уқтирмоқчи бўлади.

Юқоридаги таҳлиллардан англшиладики, Муҳсиний шеъриятда мумтоз адабиётимизнинг анънавий мавзу-моҳиятини, образлар тизимини давом эттириш баробарида сўзларнинг ёзилиш шаклида ҳам янгиликка интилган шоир ва хаттотдир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Собрание восточных рукописей академии наук Республики Узбекистан. Литература (Диваны) / Подг. к изд. Х. Луфуллаев, С. Файзиева, О.Мадалиева. Т. I. Тошкент, 2017.
2. Муқимий. Танланган асарлар тўплами / Нашрга тайёрловчи: Ғ. Каримов. Тошкент, 1960.
3. Муродов. А. Ўрта Осиё хаттотлик санъати тарихидан. Тошкент, 1971.
4. Муҳсиний. Барҳаёт гулшан / Нашрга тайёрловчи, табдил, сўзбоши муаллифи: У. Неъматов. Фарғона, 2008.
5. Муҳсиний. Девон. Ўз ФАШИ, қўлёзмаси, инв № 9273.
6. Неъматов У. Муҳсинийнинг Муқимийга бағишланган қасидаси / Адабий мерос. 1977. № 9. Б. 92-95.
7. Қаюмов. П.Д. Тазкираи Қаюмий / Нашрга тайёрловчи: акад. А.Қаюмов. Ж. II. Тошкент, 1998.

Ф. Тўхтамуратов

Муҳсиний девони қўлёзмалари ва шеърларининг матн хусусиятлари

Мақолада Қўқон адабий муҳитида тарбия топган Муҳсиний адабий мероси манбалари, дастхат девони, ундан ўрин олган асарлари ва шеърларининг матн хусусиятлари ҳақида мулоҳазалар баён қилинади.

Ҳусайнқули Сулаймонқули ўғли Муҳсиний (1860–1917) Қўқонда яшаган, адабий мероси кам ўрганилган истеъдодли шоирдир. У шоир бўлиш билан бирга моҳир хаттот ҳам бўлган. Пўлатжон Қаюмовнинг “Тазкираи Қаюмий” асарида мусиқашунос, настаълиқ ва шикаста хатларини эгаллаган хаттот, бедилнавис ва Бедилхон, фозил шоир дея таъриф этилса, Абдулқодир Муродов “Ўрта Осиё хаттотлик санъати тарихидан” китобида Фарғонанинг турли хатларга моҳир хаттотлари қаторида санаш билан бирга, араб, форс ва ўзбек адабиётидан хабардор, истеъдодли шоир сифатида алоҳида эътироф этилган. Муҳсиний лирик шеърларини тўплаб тўртта қўлёзма девон тузган. Унинг бир нусхаси ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида 7392 ашё рақам остида сақланади, бу нусха Муҳсинийнинг ўзи томонидан кўчирилган дастхат манба экани билан аҳамиятлидир. Унда шоирнинг ғазал, мухаммас, мусаддас, мусамман, таржеъбанд, нома, қасида таърих, рубоий каби жанрларда ёзилган 7426 мисра шеъри жамланган.

Ушбу девон Муҳсинийнинг фанга маълум тўртта қўлёзма девонлари орасида энг мукаммали бўлиб, шоир умрининг охирида – 1917 йилда тартиб берган.

Мазкур девондаги 8 та ғазалдаги айрим сўзларнинг қўлланиши, ёзилиш шаклида шоирнинг ўзига хос ёндашуви кузатилади.

Маълумки, *ошиқ, маъшуқа, рақиб* образлари мумтоз шеъриятнинг асосини ташкил этувчи, айни пайтда бир-бирига қарши қўйиладиган образлардир. Зотан, Муҳсиний мазкур образлар моҳиятини нафақат сўз, балки унинг хаттотлик жиҳатидан шаклини тескари ёзиш орқали янада таъсирчан талқин эта олган. Ушбу образларни англатувчи сўзни тескари шаклда битиш, хаттот маҳоратининг ўзига хос қиррасини кўрсатиши жиҳатидан аҳамиятли бўлиб, шоирнинг бадиий шакл ва мазмун уйғунлигига алоҳида эътибор қаратгани диққатга моликдир.

Калит сўзлар: *Муҳсиний, шоир, хаттот девон, қўлёзма, ғазал, байт, матн, шакл, мазмун.*

Ф. Тўхтамуратов

Особенности рукописных диванов и текста стихотворений Мухсини

В статье описаны источники литературного наследия, текстовые особенности произведений и стихов Мухсини, который жил и творил в Коканде. Хусаинкули Сулаймонкули Мухсини (1860-1917) был талантливым поэтом, который жил в Коканде и чье литературное наследие было мало изучено. Он был поэтом, а также опытным каллиграфом. В "Тазкираи Каюми"

Пулатджана Каюмова он описывается как музыковед, каллиграф, хорошо знающий письменности *настаълик* и *шикаста*, *бедилнавис* и *бедилхан*, а также как талантливый поэт. Абдулкадыр Мурадов в своем произведении «Из истории каллиграфического искусства Средней Азии» признаёт его в рядах искусных каллиграфов и вспоминает как талантливого поэта, хорошо разбиравшегося в арабской, персидской и узбекской литературе.

Мухсини собрал лирические стихи и объединил их в четыре *дивана*. Одна копия его *дивана* хранится в рукописном фонде Института востоковедения имени Абу Рейхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан под номером 7392, что имеет большое значение, поскольку является оригинальным источником, скопированным самим Мухсини. Он содержит 7426 полустиший стихов, написанных в таких жанрах, как *газель, мухаммас, мусаддас, мусамман, тарджи'банд, наме, касыда, та'рих, рубаи.*

Этот *диван* является самым совершенным из четырех рукописей Мухсини, известных науке и собранных в 1917 году, в конце жизни поэта. В использовании некоторых слов в восьми газелях этого *дивана*, наблюдается уникальный подход поэта.

Известно, что образы влюбленного, возлюбленной и соперника являются образами, которые составляют основу классической поэзии и, в то же время, противопоставляются друг другу. Действительно, Мухсини смог более эффективно истолковать сущность образа соперника, не только в его значении в письменности, но и в обратном написании этого слова с точки зрения каллиграфии. Примечательно, что это обратная форма слова, что означает эти изображения, важно с точки зрения показа определенного аспекта каллиграфии, и поэт уделяет особое внимание гармонии художественной формы и содержания.

Ключевые слова: *Мухсини, поэт, каллиграф, диван, рукопись, газель, бейт (двустишие), текст, форма, содержание.*

F. Tukhtamuratov

The distinctive characteristics of Muhsini’s divans and poetry

The article explores the literary heritage and textual specifics of the works and poems of Muhsini who grew up in the literary environment of Khoqand. Husaynquli Sulaymanquli ogli Muhsini (1860–1917) was a talented poet from Khoqand, whose literary heritage was not well studied. In addition to being a poet, he was a skilled calligrapher. In Polatjon Qayumov’s "Tazkira-yi Qayumi" Muhsini is described as an expert in musical studies, calligrapher, bedilnavis, bedilkhan and a master of calligraphy. Abdulqadir Murodov in his “History of

Central Asian calligraphy" depicted Muhsini as one of the prominent calligraphers of the Fergana Valley, an expert of Arabic, Persian and Uzbek literature and a great poet.

Muhsini collected his poems in four manuscript volumes. One of them is kept under the inventory number 7392 in the manuscript fund of the Abu Rayhan Beruni Institute of Oriental Studies of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan. It is of great importance because it is considered to be an autograph copied by Muhsini himself. It contains 7426 verses written in such genres as *ghazal*, *muhammas*, *musaddas*, *musamman*, *tarje'band*, *nama*, *qasida*, *tarikh* and *rubai*. This devan is the most complete of Muhsini's four manuscript devans as it was compiled at the end of the poet's life in 1917.

The use of some words in eight ghazals in this devan reveals the poet's particular approach to composition. It is known that the opposing images of a lover, beloved and rival are considered to be the foundation of the classical poem. Muhsini interpreted these images in a particular way using his calligraphic mastery which helped to develop his distinctive style emphasizing the harmony of artistic form and content.

Keywords*: Muhsini, poet, calligrapher, devan, manuscript, ghazal, bayt, text, form, content.*

Н. Абдулахатов

Марғилонлик уламоларга оид марсиялар

XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларидаги Марғилон муҳити диний-маърифий меросини ўрганишда марсиялар ҳам муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Маълумки, марсия инсон вафоти муносабати билан ёзилса-да, унда марҳум фаолияти, ҳаётининг моҳияти, ижтимоий масалалар ҳам акс этади. Ўлим ҳодисаси халқ оғзаки ижодида айтув; Шарқ ёзма адабиётида марсия, фироқия, ёднома; Ғарбда элигия, эпитафия жанрларини вужудга келишига сабаб бўлган. Марсия – арабча "риса" сўзидан олинган, "йиғламоқ", "аза тутмоқ", "қайғурмоқ" маъноларини билдиради [11: 547]. Адабиётда вафот этган шахс сифатларини таърифловчи шоирнинг унга муносабати, лирик қаҳрамоннинг кечинмаларини акс эттиради [9: 69]. Марсияларда марҳум вафоти вақтига абжад ҳисоби билан таърихлар берилган. Алишер Навоий (1441–1501)нинг Абдураҳмон Жомий (1414–1492)га бағишлаб ёзган марсияси, назм аҳлининг айтган таърихлари фикримизга далилдир [2: 141].